

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСИДА ФОНЕТИК МАШҚЛАР ОРҚАЛИ  
БОЛАЛАРНИНГ ТАФАККУРИ ВА МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ

Г.Б.Есбергенова

катта ўқитувчи Ажиниёз номидаги Нұкус давлат педагогика институти

**Abstract:** *The article deals with different factors influencing on speech development of learners and also the role and please of phonetic exercises in this process.*

**Keywords:** Phonetic exercises, pronunciation, speech, education, content, method, speaking, writing, listening and reading, interference, conversation, story and thinking

**Аннотация:** *Мақолада уқувчилар нутқининг ривожланишига таъсир қилувчи турли омиллар, шунингдек, бу жараёнда фонетик машқларниң аҳамияти ҳақида сўз боради.*

**Калит сўзлар:** *Фонетик машқлар, талаффуз, нутқ, таълим, мазмун, услугуб, гапириш, ёзиш, тинглаш ва ўқиш, аралашув, сұхбат, ҳикоя ва фикрлаш.*

Хозирги даврда мактабларда хорижий тилини ўқувчиларга ургатишдан мақсад уларнинг шу тилда сузлаш, ёзиш, тинглаб ва уқиб тушуниш каби куникмаларни шакллантириш билан бир қаторда болаларниң тафаккури, мулоқот маданияти, билим олишга қизиқиши, фаоллик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, қизиқувчанликни уйғотишига қаратилади. Болаларниң ақлий ва нутқий қобилиятини муваффақиятли устириш келгусида фанларни пухта узлаштиришига имкониятлар яратади.

Хозирда халқаро алоқаларда кенг фойдаланилаётган бир неча хорижий тиллар мавжуд. Шунингдек ҳозирги даврда хорижий тиллар ичида немис тилига бўлган қизиқиши нафакат мактаб, балким олий таълим муассасаларининг барчасида, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳам кучайиб бормоқда.

Немис тилини уқитиш ўқувчиларниң она тилининг фонологик, морфологик, синтактик ва лексик тизимини илмий урганилишини ҳамда асосий типологик хусусиятларини очиб беришини тақозо килади, шунинг учун ҳам урганилаётган немис тилининг, она тили билан таххослаб урганилиши, уларнинг айрим тил бирликларини типологик таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Баъзида тил ўрганувчилар, тил билиш учун фонетикани ўрганиш муҳимми деб савол беришади. [1]

Албатта, чунки унли ва ундош харфларни, товушларни тўғри талаффуз қила олмаган укувчи чет тилини ўзи хоҳлаганидек мустақил гапира олмайди. Чет тилини ўрганаётганда қоидаларга эътибор бериб, улар орасидаги боғлиқликни мисоллар ёрдамида тушуниш, тилни тез ва осон ўрганишга ёрдам беради.

Фонетика немис тилидаги нуткни ривожлантириш учун жуда муҳим роль ўйнайди. Нутқ маданияти ва тўғри талаффузга эришишнинг асосий омили сифатида фонетик билимлар алоҳида аҳамият касб этади. Фонетиканинг ривожланиши талаффуз, интонация ва овоз баландлиги каби жиҳатларни яхшилашга ёрдам беради.

Фонетика нутқ фаолиятининг барча томонларини гапириш, эшитиш, ёзиш, уқиш ва талаффуз қилишни қамраб олади. Шу сабабли чет тилини урганиш аввало унинг нутқ товушлари, бугин, урғу ва интонация каби фонетик жиҳатларини яхши узлаштиришдан ва уни она тили билан таххослаб урганишдан бошланади.

Бундан ташқари талаффуз чет тилини ўрганишнинг муҳим таркиби ҳисобланиб, бунда техник воситаларни ишга солиш яхши натижа беради. Ўқувчи чет тилидаги овозли матнларни қайта-қайта тинглаш орқали хотирасида сақлаб қолади ва тақлидан оғзаки нутққа кўчиради. [2]

Чет тили дарсларида энг аввало нутқ ўргатилади. Дарс жараёнларида уқитувчи авваломбор уқувчи нутқига, мустақил фикрлай олиши, уз фикрини хорижий тилда бемалол ифода эта олиши, ёзма иш, сухбат, ҳикоя, мустақил фикрига таяниши каби шаклларига эътибор бериши лозим.

Шундай экан, кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Бунинг учун сўзловчи тилни чуқур эгаллаши билан бирга, мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш қобилиятига ҳам эга бўлиши тақозо этилади. Тилда рағбатлантириш, миннатдорчиликни англатадиган ифодалар ҳам борки, уларни кундалик муомалага киритиш, ўз ўрнида ишлатиш киши хулқини безаши билан бирга ўқитувчи фаолиятидаги актив сўзлар қаторида турмоги лозим. Бу каби жараёнлар ўқитувчининг ёзма ва оғзаки нутқида кўринади.

Фонетик машқлар нутқ маданиятини ошириш учун жуда самарали воситадир. Улар талаффузни такомиллаштириш, сўзларни аниқ ифодалаш, интонацияни назорат қилиш ва овоз баландлигини бошқаришга ёрдам беради. Қелинг шу жумладан бир неча мисолларни кўриб чиқамиз:

1. *Талаффуз машқларига* алфавит билан ишлаш: Ҳарфларнинг тўғри талаффузига эътибор қаратиб, уларни такрорланг. Масалан, "Aa, Bb, Cc..." ҳарфларини айтиб кўринг. Сўзлардаги товушларни ажратиш: Сўзларни бўғинларга бўлиб, уларнинг тўғри талаффузига эътибор беринг. Масалан, "Buch-stabe" (ҳарф), "Leh-ter" (уқитувчи), "Schu-le" (мактаб).

2. *Интонацион машқлари* - савол бериш ва жавоб қайтариш: Савол сўзи ёки жумлаларни интонациясини тўғри қўйишга ҳаракат қилинг. Масалан, "Wo-hin gehst du?" (Қаёқка кетаяпсан?), "Ich gehe in die Schule." (Мен мактабга кетаяпман.)

Риторик саволлар: Риторик саволларда талаффуз ва интонацияни уйғунлаштиринг. Масалан, "Wer glaubt schon, dass es so einfach ist?" (Ким буни осон деб ўйлади?)

Ҳиссий интонациялар: Севинч, ҳайрат, ғазаб каби ҳиссиётларни ифода этувчи интонацияларни машқ қилинг. Масалан, "Das kann nicht wahr sein!" (Бу рост бўлмаса керак!)

3. *Овоз баландлигига оид машқлар* - жумла бошидаги сўзларни кучайтириш: Баъзи жумлаларда биринчи сўзни баландроқ қилиб айтинг. Масалан, "Heute regnet es." (Бугун ёмғир ёғмоқда.)

Таъкидли сўзларни ургулаш: Жумлада энг муҳим сўзларни баландроқ ёки пастроқ қилиб айтиш орқали ургу беришга ҳаракат қилинг. Масалан, "Er hat mir ein Geschenk gemacht." (У менга совға қилди.)

Монологлар ўқиши: Узоқ монологларни ўқиб, турли овоз баландликларидан фойдаланинг. Бу нотиқлик кўнималарингизни ҳам ривожлантириши мумкин.

Ролли ўйинлар: Турли ролларни ўйнаб, характерларга мос равища нутқ маданиятини қўлланг. Масалан, талабалар бир-бири билан йил фасллари ҳакида ролларни ижро этиш мумкин.

1. Wann beginnt der Frühling ?
2. Wann beginnt der Sommer ?
3. Wann beginnt der Herbst ?
4. Wann beginnt der Winter ?
5. Wie ist das Wetter ?

Шунингдек илгари ўрганилган материалларни такрорлаш ҳам ҳар қандай кўнимани мустаҳкамлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Доимо илгари ўрганилган материалларни қайта кўриб чиқиши, янги сўзларни ёдлаб бориши, иборалар ва жумлаларни такрорлаш нутқ сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Бу усулларнинг ҳар бири нутқнинг турли жиҳатларини ривожлантиришга йўналтирилган. Муайян мақсадларга эришиш учун ушбу усулларни комбинация қилиб қўллаш тавсия этилади. Ушбу машқларни муентазам бажариб бориши орқали биз нутқ маданиятимизни сезиларли даражада ошира оламиз.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Жамалов Ж. Чет тили уқитиши методикаси. Чет тиллар олий укув юртлари (факультетлари) талабалари учун дарслик. – Т.: 1996. – 367б
2. Т.А.Нурматов, Б.М.Хусанхўжаев, Э.Х.Жўраев, Т.Очилов «Немис тили фонетикаси» Тошкент – «Ўзбекистон» -2002 – 131б
3. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. – Т. Фан Изд.во АН Республики Узбекистан 2000